O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING QARORI

20 21 yil "1" aprel 371-son Toshkent sh.

Тошкент шаҳрида ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" ПҚ-2900-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 17-сон, 291-модда), 2018 йил 30 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4040-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил, 48-сон, 923-модда) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 январдаги "Тошкент шаҳрининг уй-жой коммунал инфратузилмасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 5-сонли (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 05.01.2019й.) қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири биринчи ўринбосарининг 2021 йил 3 февралдаги 05/1-804-сонли топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири биринчи ўринбосарининг 2021 йил 3 февралдаги 05/1-804-сонли топшириғи ижро учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳридаги истеъмолчилар учун:

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 1 апрелдаги 317-сонли қарори билан ичимлик суви таъминоти хизматлари учун белгиланган махсус

100 сўм/м^3 ва канализация хизматлари учун махсус – 100 сўм/м^3 миқдоридаги устама ҳақ 2021 йилда амал қилиниши узайтирилсин.

3. Ичимлик суви ва канализация таъминоти хизматлари тарифлари бўйича белгиланган махсус устама ҳақ мақсадли тушум ҳисобланиб, барча солиқ турларини ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашда солиққа тортиладиган базага киритилмаслиги, шунингдек ичимлик ва оқава суви таъминоти ташкилотларининг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботида акс эттирилмаслиги инобатга олинсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (А.Ахмаджонов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати:

ушбу қарор расмий эълон қилиниши ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш масалалари бўйича ўринбосари мажмуаси зиммасига юклатилсин.

Ташкент шаҳар ҳокими **Ж.Артикходжаев**